



АБУЛҲАСАН МОВАРДИЙНИНГ ДИНИЙ ВА ИЛМИЙ ҒОЯЛАРИ

Эгамберганова Дилноза Давронбековна

УрДУ тадқиқотчиси

Дин ахлоқнинг бирламчи манбаи сифатида қаралса-да, у ҳам ақлга, ҳам индивидуал ва ижтимоий ҳаёт ҳақиқатларига мос келадиган ахлоқий фикрни ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Шу боисдан ҳам муаллиф фақиҳ сифатида уламоларнинг ижтиҳоди ва истинбатини, қолаверса, “Пайғамбар алайҳиссалом” ахлоқий идеалини ҳам қадрлайди. Қолаверса, алломанинг касби туфайли одоб-ахлоқ ҳақидаги қарашларининг шаклланишида ижтимоий воқеалар ҳақидаги кечинмаларининг ўрни катта. Айниқса, Мовардийнинг ислом ахлоқшуносларининг энг реалистларидан бири эканлигини кўрсатиш учун асар охиридаги қуйидаги гаплар етарли: “Эй донишманд! Ўзингизнинг шахсиятингизга эътибор беринг. Вақтингиздан мамнун бўлинг. Ўз даврингизнинг анъаналарига риоя қилинг. Одамлар билан жанжаллашишдан ва улардан қочишдан сақланинг, улар сизга душманлик қилмасин. Севилмаган тинчлик топа олмайди, душман бўлган тинчланмайди.”


“Дунё ва дин одоби” , хусусан, тасаввуфий қарашларга мос келади. Жумладан, асарнинг “Дин одоби” бўлимидаги ўз-ўзини тарбиялаш ҳақидаги изоҳларда сўфийлик ёндашуви сезилади. Худди шунингдек, ақлнинг аҳамияти, асосий фазилатларнинг мўътадил ва адолат билан алоқаси каби мавзуларда файласуфлар қарашларидан фойдаланганлиги, дўстлик ва умуман ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти ҳақидаги тушунтиришлари бошқа Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ғаззолий қарашларига ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Бироқ, асар давомида чизилган ҳар бир инсонни турмуш тарзи, айниқса, ахлоқий ҳаётнинг мақсади сифатида кўрсатилган бахтни тушуниш ва идеал



Худди султон лашкарлари экин эгаси деҳқонлар ёрдамидан фойдаланганидек. Бундан бошқа чора йўқ. Ҳеч ким ундан беҳожат эмас.¹

Мутафаккир диннинг одамларга бир неча жиҳатдан муҳим таъсири борлигини таъкидлайди. Инсон табиатан яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам мойил. Дин одамларни нафсларига эргашишдан қайтарганидек, Шунингдек, юракдаги ёмон фикрларнинг олдини олади. Яширин нарсаларни ўз ҳукмронлиги остига олиб, у виждонсиз ишларнинг олдини олади. Дин ўз ичига олган тамойиллар орқали одамлар учун ўзини ўзи бошқаришнинг бир тури сифатида ишлайди. Инсон табиатига кўра, вақти-вақти билан у диний ва дунёвий масалаларда скептик фикрларга эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда дин насихат хусусияти билан одамларга йўл кўрсатади ва қўллаб-қувватлайди. Ал-Мовардийнинг фикрича, дин дунёни обод қилиш ва йўл топишда энг кучли устун, тартиб ва хавфсизликка эришишда энг фойдали таъсир этувчидир. Шунинг учун ҳам одамлар ихтилофга тушиб қолмасликлари, дин ҳукмларига итоат этишлари, ўша диннинг амрларига бўйсунишлари учун ҳавойи нафсларига қул бўлмаслиги керак. Инсондаги еб-ичиш ҳолатига икки нарса-қаттиқ эҳтиёж ва хоҳловчи хирс ундайди. Қаттиқ эҳтиёж очликни кеткизиш ва чанқоқни қондиришга қаратилган. Бу ақлан ҳам, шаръан ҳам мақбулдир. Чубки бунда жонни сақлаш ва танани ҳимоя қилиш мавжуд. Шунинг учун шариатда икки кун рўзасини улаб тутишдан қайтарилган. Чунки бундай рўза тутиш танани заифлаштириб, нафсни ҳолсизлантириб, ибодатга яроқсиз қилади. Шариат бундан қайтариб, ақл ҳам уни маъқул ҳисобламайди. Нафсини қондирадиган егуликни ўзига раво кўрмаган кишида яхшиликдан насиба ва зуҳддан улуш йўқ. Чунки тоат-ибодатини адо этиши ожизлик ва заифлик туфайли ўз нафсини маҳрум қилса, унинг яхшиликка рағбатидан кўра бош тортиши кучлироқ бўлади. Бу тариқа тақаллуфи билан унда риоя ва сохтакорликка ташналикдан бошқа нарса

¹ Абулҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. Т.: <<Ҳилол-Нашр>>, 2021.-412б.



қолмайди. Ҳирс асосан кўпайтириш-зиёда қилиш ҳамда турли-туман лаззатли нарсаларни тановул қилиш каби иккига бўлинади. ²

Аллоҳ таоло инсониятни яратганидан бери динни ақида ва диний масъулиятдан маҳрум қилган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, аллома дин дунёдаги шифонинг энг кучли таянчи ва охират нажотининг ягона таянчи эканлиги, дунё ва охират саодати ва шифосига фақат дин орқали эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, донишманднинг иши динга суяниб, уни асраб-авайлашдир. Мовардий икки хил мослашув, яъни шариат ва сиёсий одоб ҳақида гапириб, улардан бири фарзларни адо этишини, иккинчиси эса дунёни барпо этишини таъкидлайди. Шариат ахлоқидан воз кечиш нафсига зулм, сиёсат ахлоқидан воз кечиш эса дунёнинг вайрон бўлишига, яъни бошқаларга зулм қилиш демакдир, дейди. Бундан кўриниб турибдики, шахс ва жамиятдаги ўзгариш ва ривожланиш, ҳаракатчанлик салоҳияти кучли бўлган дин қоидаларига бўйсуниб шахс ва жамият бахти учун муҳим масаладир. Социологиянинг кашшофи Макс Вебер каби мутафаккир ҳам диний қадриятлар ва ғоялар жамият ўзгаришига катта таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бу ҳақиқатни ўз қарашларида ифодалаган.

² Абулҳасан Мовардий. Дунё ва дин одоби. Т.: <<Ҳилол-Нашр>>, 2021.-435б.